

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ



МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИНИНГ  
МАҶОМИ

ИЛМИЙ-ОММАБОП  
РИСОЛАЛАР СЕРИЯСИ

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЙОРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ш.Ю. ЖУРАЕВ**

**МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИНИНГ МАҚОМИ**

**(оммабон рисола)**

**Тошкент – 2021**

**УЎК: 342.8(041)(575.1)**

**КБК: 67.400.5(5Ўзб)**

**Ж 91**

Тошкент давлат юридик университети Илмий-услубий Кенгашининг 2021 йил 30 июнданги б-сон мажлис баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

**Ш.Ю. Жураев**

**Марказий сайлов комиссиясининг мақоми**

[Матн] / Ш.Ю. Жураев. – Т.: Тошкент давлат юридик университети, 2021. – 26 б.

**Тақризчилар:** **Ш. Файзиев** – ТДЮУ кафедра профессори, юридик фанлар доктори;

**И. Беков** – ТДЮУ “Конституциявий ҳуқуқ” кафедраси профессори, юридик фанлар номзоди;

**Ш. Якубов** – ТДЮУ “Таълим сифатини назорат қилиш бўйими” бошлиғи, юридик фанлар доктори.

Ушбу рисола Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мақомига оид қонунчилик ҳужжатлари, асосий принциплари ёритиб берилган. Рисола Марказий сайлов комиссиясининг сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ваколатларини, округ ва участка сайлов комиссияларини тузиш, уларнинг ваколатлари ҳамда фаолиятларини ташкил этиш тартиби ва асослари ҳақида маълумот беради.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**ISBN: 978-9943-7400-2-0**

**© Ш.Ю. Жураев.**

**© Тошкент давлат юридик университети, 2021 й.**

## **КИРИШ**

Ўзбекистон Республикасида демократик ислоҳотларнинг мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтарилиши ва фуқароларимизнинг Ўзбекистон Республикасида сайлов жараёнларининг эркин ва либерал тарзда ўтказилишига бефарқ эмаслиги тобора яққол сезилиб бормоқда. Айниқса, сайлов жараёнлари ҳақида фуқароларимиз томонидан оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқлардаги хилма-хил фикр билдиришлари уларнинг сиёсий онги замон талабларига мос ҳолда ошаётганлигига гувоҳ бўлаяпмиз.

“Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да давлат ва жамият ҳаётида сиёсий тизимни ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш бўйича қатор вазифалар белгиланган. Бугунги кунгача бу борада бир қатор амалий ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига асосан, мамлакатимиздаги барча фуқаролар давлат ҳокимиятининг вакиллик органдарига сайлаш ва сайланиш ҳукуқига эга эканлиги белгиланган бўлиб, ҳар бир сайловчи битта овозга эга эканлиги мустаҳкамлаб кўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексида сайлов жараёнларига оид ҳукукий қоидалар белгиланган бўлиб, сайловларга тайёргарлик кўрувчи ва ўтказувчи давлат органи Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (кейинги ўринларда МСК)нинг ҳукукий мақоми, унинг фаолиятини амалга оширишда демократик механизмлардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳамда бу борада амалга оширадиган вазифалари белгилаб берилди.

Сайлов кодексида (МСК) фаолиятига оид 30 га яқин нормалар белгиланиб, уларда МСКни, сайлов округлари ва участкаларини тузиш, МСКга аъзолик, унинг ваколатлари, МСК Раисининг мақоми, фаолият шакллари, таркибий тузилмалари, регламенти, МСК томонидан чиқариладиган хужожатларнинг аҳамияти ва сайлов жараёнида амалга оширадиган вазифаларининг кўлами белгиланган. Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгесининг, тегишли вилоятлар, Тошкент шаҳар, шунингдек туманлар ва шаҳарлар маҳаллий Кенгашларига ва

Сенат аъзолари сайловининг фаолият йўналишлари ва функциялари ҳамда сайлов якунлари ва натижаларини эълон қилишга оид нормалар белгилаб берилиди.

## I. МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ, Президент сайловини, Олий Мажлисга сайловни, шунингдек, референдумни ташкил этиши ва ўтказиш учун, Олий Мажлис томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлilikдан иборат булган МСК тузилиши белгилаб қўйилди.

**1-босқич.** 1991 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғриси-да”ги, 1993 йил 28 декабрда “Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлисига сайлов тўғриси-да”ги ва 1994 йил 5 майида “Халқ депутатлари вилоят туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунларда МСКнинг хуқуқий мақоми белгилаб берилди.

**2-босқич.** Сайловларни ташкил этиш мақса-дида “Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги (1998 йил 30 апрель) қонуни қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилди.

**3-босқич.** 2014 йилнинг 4 сентябридаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу қонундаги қои-далар МСКнинг ваколатларини кенгайтириша, мустақиллигининг кафолатларини мустаҳкамлашга ёрдам берди.

**4-босқич.** 2019 йилнинг 25 июнида “Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун тасдиқланган. Кодекс 103 моддадан иборат. Сайлов кодекси Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Қонунчилик палатаси



депутатлари, Сенат аъзолари, махаллий кенгашлар депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш тартиби, МСКнинг хукуқий мақоми белгилаб берилди. Ва, ўз навбатида, МСКнинг хукуқий мақомини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги (1998 йил 30 апрель) қонуни ўз кучини йўқотди. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 8 февралдаги “Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-670-сонли қонуни кабул қилиниб, Сайлов кодекси сайлов жараёнларига оид бир қатор ўзгартишлар билан биргаликда, МСК мақомига оид “МСК аъзоларининг транспортдан фойдаланиш хукуки”ни белгиловчи янги норма, 102<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилди.



## II. МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси МСК Регламенти (МСКнинг 2019 йил 24 августдаги 928-сон қарори билан тасдиқланган)нинг 2-бўлими

“МСКнинг тузилиши”, деб номланниб МСКни тузишга оид қоидалар мустаҳкамланган. Сайлов кодексининг 12-моддасига асосан МСК Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси нинг палаталари томонидан камида ўн беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилади. МСКнинг аъзоси бошқа сайлов комиссиясининг ёки мумкин эмас.



## **MСКнинг аъзолари қўйиодаги шакллантирилади**

**1-қадам.** МСК аъзолигига номзодлар тўғрисидаги таклифлар Конунчилик палатаси кўриб чиқиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шахар Кенгашлари томонидан киритилади.

**2-қадам.** Конунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси МСК аъзоларини сайлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Сенатга юборилади.

**3-қадам.** Конунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси МСК аъзоларини сайлаш тўғрисидаги қарори Сенатга келиб тушганидан кейин Сенат ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси МСК аъзоларини сайлаш ҳакидаги масалани кўриб чиқади ва қарор чиқаради.

**4-қадам.** Сенатнинг МСК аъзоларини сайлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Конунчилик палатасига юборилади.



### **Эътибор беринг!**

**Сайлов кодексининг 12-моддаси 3-қисмига асосан МСКнинг Раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан комиссия аъзолари орасидан комиссия мажлисида сайланади. МСК раисининг уринбосари ва комиссия котиби ҳам комиссия аъзолари орасидан комиссия мажлисида сайланади.**

### **III. МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ**

 Конституциявий нормага кўра, МСК республикамизда сайлов тизимида бевосита раҳбарликни амалга ошириб, сайловларнинг демократик тамойиллар асосида ва республикамиз фуқаролари бўлмиш сайловчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қиласи. БМТнинг Инсон ху-



# құқлари умумжақон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий хукуклар тұғрисидаги халқаро Пакт

 **Марқазий сайлов комиссиясінің ұқықий мәкомінің тағылыштың құйыдаты жиһаздарға әтібөр қарғаш мәседдеге мувофиқтір:**

Сайлов комиссиялары давлат томонідан үрнатылған мағус мәжбүрлік тартиб ва талабтар дөпрасында шақалантырылады (Конституциясынның 117-моддастың 1-жылдық мөрдесінде атап дағылданғанда)

Марқазий сайлов комиссиясінен үзінші аязлары үз фаолияттінің қарқандай давлат органлары, жаңа отақ бірлешмалары ва мансабдор шахсдерден мұстақиль қолда амалға оширады.

Марқазілі сайлов комиссиясіның фаолияттінің принциптері, янын мұстақильлік, конунгілік, коллегиаллік, адекваттілік ва ошкоралық тамоғиціліктері конун өйткенінде белгілі болады.

Марқазий сайлов комиссиясі аյюсиннің ваколатлары конунда белгілі болады. Сайлов комиссияларынан өткізу үшін парламент палаталары томонідан тұхтатылады.

Марқазий сайлов комиссиясі үз ваколатлары дөпрасында кабул қылтасынан қарорлар оқыту үшін участка сайлов комиссиялары ҳамда референдумның үтказылыш комиссияларынан, давлат органлары, сиёсий партиялар ва башка нодавлаттогерлер ташкилотлары, корхоналар, мұассасалар ва ташкилотлар үчүн мажбuriйдір.

Парламентлараро Иттифоқнинг **Демократия тұғрисидаги Умумжақон декларацияси** каби халқаро сайлов стандартлары ҳамда ЕХХТнинг **инсонийлик мезонлари** каби мінтақавий ташкилотлар сайлов стандартларында мустаҳкамланған. Шу ерда хорижий давлатларның қонунчилігі ва амалиётінде сайлов жараёнларини үтказып бўйича тажрибаны давлатлар мисолида келтириб үтиш жоиз. Зоро, сайловларни үтказып турли давлатларда турлича амалға оширилишини кузатиш мүмкін.

Сайловларнинг қандай орган томонидан ташкил этилиши ва ўтка-зилиши борасида хорижий мамлакатларда турлича тажриба шаклланган.



*Мисол учун, Буюк Британия, Италия, Германия, Францияда сайловларни Ички ишлар вазирлиги ташкил этади, бунинг учун алоҳида идора тузилемайди.*

Лотин Америкаси мамлакатларида Марказий сайлов комиссияси вазифасини сайлов трибуналлари бажаради. Руминия, Мисрда эса бу вазифани амалга ошириш суд органларига юклатилган. Бразилия, Польша ва Перуда сайлов органлари бўлиб ихтисослаштирилган суд органлари ҳисобланади. Швецияда эса сайловни ташкил этувчи орган сифатида ўзининг қарори билан хоҳлаган давлат органига, мисол учун Солиқ бош бошқармасига юкланиши мумкин.



- Федерал сайлов комиссияси
- 1974 йилда ташкил топган Президент томонидан сайланадиган ва Сенат томонидан тасдикланади ган 6 йил муддатга сайланган 6 нафар аъзодан иборат мустакил орган

АҚШ



Германия

- Федерал сайлов комиссияси
- Федерал статистика идораси президенти Федерал сайлов комиссияси раиси ва унинг уринбосари ички ишлар вазирлиги томонидан тайинланади. Комиссия таркибига раис томонидан тайинланадиган 8 нафар аъзо киради.



Австралия

- Участка сайлов комиссиялари
- Франция ички ишлар вазирлиги сайловларни ўтказади. Участка сайлов комиссиялари коммуналарнинг мэрлари томонидан тайинланади. Унинг таркибига раис ва 4 нафар аъзо ва котиб киради

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан МСКнинг  
хуқуқий мақоми қўйишдаги норматив ҳужжатларди мустаҳкамланади.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси



2015 йил 6 ноябрдан Ўзбекистон  
Республикасининг 1-юн котевин



Ўзбекистон Республикаси МСКнинг Резолютини  
(МСКнинг 2010 йил 24 авгуустдан 2018-йил  
қарори бўйиче тасдиқланган).

**Марказий сайлов комиссияси – турли даражадаги Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қорақалпогистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг, тегишили вилоятлар, Тошкент шаҳар, шунингдек туманилар ва шаҳарлар маҳаллий Кенгашлари ва Сенат аъзоларини сайлаш бўйича) сайловларга ва референдумга тайёргарлик кўрувчи ва ўтказувчи, шу жумладан номзодлар ва сиёсий партияларни (уларнинг номзодлар рўйхатини) рўйхатдан ўтказишни ташкил қилувчи ҳамда бевосита раҳбарликни амалга оширувчи конституциявий мустақил давлат органи ҳисобланади. Марказий сайлов комиссияси ўз олдига қўйилган функцияларни бажарни учун доимий фаолият кўрсатади.**

Юқоридагилардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси МСК фаолиятининг ташкилий-хукукий асослари сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 9 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини ташкил этиши масалалари тўғрисида”ги 387-сон қарори қабул қилинган.



2018 йил 6 ноябрдан “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини ташкиллаштириш бўйича ташкилий чора-таобирлар тўғрисида” ПҚ-4004-сонли қарорга асосан Марказий сайлов комиссиясига юқлити ётаз вазифалар:

 сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи **7 нафар** аъзоси, шу жумладан, раис, раис ўринбосари ва котиби ишини ташкил этиш;

 **26 нафар** масъул ходимдан иборат Марказий сайлов комиссияси Котибияти штат бирлигини белгилаш.



*Марказий сайлов комиссияси таркибида Сайлов қонунчилиги ва замонавий технологиялар бўйича ўқув маркази ташкил этилди. Ўқув марказининг вазифалари этиб қўйидағилар белгиланди:*

|                                                                                                                                                                                                                                         |                                                                                                                                                                                                                   |                                                                                                                                                                                       |                                                                                                                                                                                                                                                                    |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| сайлов комиссияси аъзоларини тизимли ўқитиш, малакасини ошириш, уларнинг сайлов қонунчилиги соҳасида мукаммал билимларини, сайлов жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда профессионал кўникмаларини шакллантириш | сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш амалиёти, шунингдек, миллий сайлов қонунчилигининг умум эътироф этилган халқаро принциплари ва стандартларига мувофиқлигини тизимли равища мониторинг қилиб бориш | сайлов тизимининг муаммолари ни чуқур ўрганишни таъминлаш, ушбу соҳадаги долзарб муаммолар бўйича тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш | сайлов жараёнини ташкил этиш бўйича илмий-амалий қўлланмалар тайёрлаш ва чоп этиш, сайловчиларни сайловда овоз бериш тартиби, сайлов кампанияси жараёнлари билан таништириш бўйича замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув-услубий материалларни яратиш. |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

**Эътибор беринг!**  
**МСКнинг аъзоси:**

- Иигирма беш ёшга тұлған;
- олий маълумотга эга бўлган;
- сайловларни ташкил этиши ва ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган;
- жамоатчилик ўртасида обрў-ътибор козонган;
- камида охирги беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган фуқаро бўлиши мумкин.



#### **IV. МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИГА АЪЗОЛИК ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ**

МСКга аъзолик Сайлов кодексининг 13-моддасида белгиланган бўлиб, аъзо бўлаётган шахсга қўйилган талаблар, қайси ҳолда аъзо бўлиши мумкин эмаслиги, аъзоликнинг тугатилиши ҳолатлари ва бошқа қоидалар мустаҳкамланган.

**Кўйидагилар МСКнинг аъзоси бўлиши мумкин эмас:**

**1-тоифа.** Оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганилиги учун судланганлиқ ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар.

**2-тоифа.** Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари.

**3-тоифа.** Диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари.



**4-тоифа.** Бошқа сайлов комиссиясининг (мисол учун, окрут ёки участка сайлов комиссияларининг аъзоси) ёки сиёсий партиянинг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Бунда МСКнинг аъзоси бирон бир партияга аъзо бўлганда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан аъзоликдан чиқариб ташлаш масаласи кўрилади ва аъзоликдан чиқариб ташланади.

**5-тоифа.** МСКнинг аъзоларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб, Конунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб, Сенат аъзолигига номзод этиб, ишончли вакил этиб рўйхатга олинганда комиссия таркибидан автоматик тарзда чиқиб кетади.

**Савол:** Қайси ҳолларда МСК аъзолиги тугатилиши мумкин?

Марказий сайлов комиссияси аъзосининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан бевосита ёки уни аъзоликка тавсия этган органнинг тақдимномасига биноан кўйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

МСКнинг аъзоси ушбу комиссиянинг қарорига биноан комиссияда доимий асосда ишлаши мумкин. МСКда доимий асосда ишловчи комиссия аъзоларининг сони кўпи билан ёттишидан иборат бўлади.



## V. МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ УМУМИЙ ВАКОЛАТЛАРИ

У ўз ваколатларини энгашидоп соҳит кишини тұтрасыда ёсма ариза берганды;

У суд томонидан мұозмалагз лаекатсыз део топшыганда;

Чынга иисбатзак суднинг зіблөв хұтми конуний күтгэ кирганды;

У ўз вазифаларини жүтказам равишда бажармай келганды;

МСК аъзосининг ваколатларини ачылға ошириш билан бир вактда шуттулланис сўлмайдиган лавозимга салланганда еки гайининини,

у суднинг комуний кучига кирган карорлари асосиша бешарал  
йўқолган леб топшилгандаги ёки вафот этган леб эълон  
киргизилада;

у Ўзбекистон Республикаси фукваролигини йўқотгандага;

у вафот этганда.

*Агар округ сайлов комиссияларининг қарорлари Сайлов кодексига зид  
була, унду карорларни мустакил равишда ёки Ўзбекистон  
Республикаси Боши прокурорининг тақдимномасига биноан бекор  
килади (14-модда);*

МСКнинг доимий асосда ишловчи аъзолари **илемий ва педагогик  
фаолиятдан ташқари** хақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан  
шугутланиши мумкин эмас.

МСК аъзоларига **Қонунчилик палатаси депутатларига, Сенат  
аъзоларига** нисбатан қўлланиладиган дахлсизлик тўғрисидаги қон-  
далар татбиқ этилади.

МСКнинг мақоми у амалга оширадиган ваколатлар йиғиндиси  
билан белгиланиб, Сайлов кодексининг қатор нормаларида кел-  
тирилиб ўтилади.

МСК Сайлов кодексига асосан қуйидаги ваколатларни амалга  
oshiради:

➤ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон  
Республикаси Олий Мажлисига сайловни ўтказиши учун тузиладиган  
сайлов комиссиялари тизимида бошчилик қиласди (11-модда);

➤ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Сайлов  
кодексининг ижроси устидан назоратни амалга оширади, унинг бир  
хил тарзда қўлланилишини таъминлайди (11-модда);

➤ сайлов комиссиялари фаолиятини услубий жиҳатдан таъмин-  
лашни амалга оширади, сайловни ташкил этиш масалалари юзасидан  
ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қиласди, йўриқномалар ҳам-  
да низомларни тасдиқлайди, тушунтиришлар беради (14-модда);

➤ Сайлов жараёнини бошқаришининг ахборот тизимини жорий  
етиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона

электрон рўйхатидан фойдаланиш фаолияти бўйича умумий раҳбарликни ва мувофиқлаштиришни амалга оширади (28-модда);

➤ чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг сайловдаги кузатувчиларига мандатлар беради (33-модда биринчи, учинчи қисмлар);

➤ сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлади, пул маблағларини сайлов комиссияларига тақсимлайди, шу жумладан сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун тақсимлайди, сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қиласи, сайловни мөддий-техник жиҳатдан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади

(98- 100-моддалари);

➤ сиёсий партияларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари, оммавий ахборот воситалари-нинг вакиллари, бошқа давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари учун мандат намунасини белгилайди (33-модда биринчи қисм);

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Конунчиллик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари сайловига доир сайлов бюллетенла-рининг, сайловчилар рўйхатларининг, имзо варақаларининг, сайлов комиссиялари баённомаларининг ҳамда бошқа хужжатларнинг, сайлов қутиларининг ва сайлов комиссиялари мухрларининг намуналари ҳамда шаклларини, уларни саклаш тартибини белгилайди (31-модда биринчи, учинчи, тўртинчи қисмлари, 38-модда биринчи қисми, 49-модда биринчи қисми);

➤ сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари ҳамда жамоат бирлашмалари вакилларининг



сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиши билан бөғлиқ масалалар юзасидан ахборотини эшигади (*14-модда*);



➤ сайлов якунларини чиқаради, Ўзбекистон Республикаси бўйича овоз беришнинг умумий натижаларини аниқлайди ҳамда овоз беришда иштирок этган сайловчилар сони, ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сони тўғрисидаги хабарни матбуотда зълон қиласади (*8-модда иккинчи қисми, 11-модда саккизинчи қисми, 15-модда биринчи қисми биринчи, олтинчи хатбошилари, 96, 97-моддалар*);



*тақориӣ овоз бериши ва тақориӣ сайлов ўтказилишини ташкил этади (Кодекснинг 59, 60-моддалари);*

➤ сайловчиларнинг ҳамда сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қиласади (*101-модда*);

➤ Кодекс талаблари бузилганлиги тўғрисидаги материалларни судга ёки хукуқни муҳофаза қилувчи органларга топширади (*14-модда*);

➤ бошқа мамлакатларнинг сайлов органлари, халқаро ташкилотлар ва чет давлатларнинг вакиллари билан халқаро ҳамкорликни амалга оширади, учрашувларни ташкил этади, битимлар ва меморандумлар тузади (*14-модда*);

➤ халқаро ташкилотларни, чет давлатларнинг сайлов органларини ва вакилларини сайловларни кузатиш учун таклиф этади (*33-модда*);

➤ хорижий мамлакатлардаги сайловларни кузатишида иштирок этади, шу жумладан халқаро ташкилотларнинг миссиялари таркибида иштирок этади (*14-модда*);

## **VI. МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИШГА ОИД ВАКОЛАТЛАРИ**

МСК Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказишида Сайлов кодексига асосан қуйидаги ваколатларга эга.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юзасидан сайлов кампанияси бошланганинги эълон килди (**36-модда**)
- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олади, рўйхатга олинган номзодларнинг рўйхатлари ва улар хакидаги маълумотлар матбуотда эълон килиншигини ҳамда уларга гувоҳномалар берилishiни ташкил этади (**40-модда**)
- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни ишончили вакилларини рўйхатга олади ҳамда уларга гувоҳномалар беради (**43-модда иккинчи кисми**)
- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловда иштирок этишини учун тенг шаронуларни таъминлаяди (**14-модда**)
- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида такрорий овоз берип ва такрорий сайлов ўтказилишини гашкил этади (**14-модда**)
- сайланган шахсга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганинги тўғрисида гувоҳнома топширади (**14-модда**)
- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганини уларнинг ваколатлари муддати тугашдан камида уч ой оддин оммавий ахборот воситатарida эълон килди (**36 модда**)
- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари унинг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинади. Марказий сайлов комиссияси уларга тегиши гувоҳномалар беради (**43-модда**)
- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловда иштирок этишини учун тенг шаронуларни таъминлаяди (**14-модда**)
- Марказий сайлов комиссияси такрорий овоз бериш кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилган кундан эътиборан бир ой ичида, лекин сайлов ўтказилган кундан камида ўн беш кун кейин ўтказиладиган килиб тайшлагиди. Такрорий овоз берим ўтказилиши хакидаги хабарни матбуотда эълон килди (**59-модда**)

МСК Сайлов кодексига асосан Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатига сайлов ўтказишда муайян ваколатларга эга. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар битта палатасига оид нормаларни келтириб ўтиш лозим.

### **МСКнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси сайловига оид ваколатлари:**

## VII. МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИШГА ОИД ВАКОЛАТЛАРИ

### МСКнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати сайловини ўтказишига оид ваколатлари:

Қорақалпоғистон Республикаси Жў-корги Кенгесига, маҳаллий Кенгашларга сайлов якунлари эълон қилинганидан (ҳаммага маълум қилинганидан) кейин уч кунлик муддатда Сенат аъзоларини сайлаш учун қўшма мажлислар ўтказилишини (қўшма мажлисларни ўтказиш санаси, вақ-ти ҳамда жойи кўрсатилган қарори оммавий ахборот воситаларида, шунингдек унинг расмий веб-сайтида эълон қилинади (ҳаммага маълум қилинади)) эълон қиласди (**78-модда**);

Кўшма мажлисларнинг баённомалари асосида бу баённомалар



Ommaviy axborot vositalari



Ўзбекистон Республикаси Конуничиллик палатаси сайлови юзасидан сайлов кампанияси бошлангичланган унинг қадиди (**36-модда**)



Ўзбекистон Республикаси Конуничиллик палатаси депутатларига номзодларни рўйхатга олади, рўйхатта олинган номзодларнинг рўйхатлари ва улар хакидаги маълумотлар матбуотда эълон қилишини ҳамда узартга гувоҳномалар берилшини ташкил этади (**40-модда**)



Ўзбекистон Республикаси Конуничиллик палатаси депутатларига номзодларга сайловда иштирок этиши учун тенг шароитларни таъмилиайди (**14-модда**)



Конуничиллик палатаси депутатлари сайлови бўйича сайлов кампанияси бошлангичланган унинг ваколатлари муддати туташидан камидан уч ой олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қиласди (**36-модда**)



Сайлов комиссияларидан олинган баённомалар асосида Конуничиллик палатасига сайланган депутатларни рўйхатга олади (**73-модда**)



Конуничиллик палатаси депутатларига МСК томонидан ўн кун ичидаги гувоҳнома ва кўкрак нипони берилади (**73-модда**)

келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай Сенат аъзоларини рўйхатга олади, рўйхатга олишдан кейин ўн кун ичиде эса гувоҳнома ва кўкрак нишони беради (*85-модда*);

¶ Агар сайлов давомида, овозларни санаб чиқиш, яширин овоз бериш натижаларини аниқлаш ҷоғида Сайлов кодекси талаблари сайлов натижаларига таъсир қилган тарзда бузилишига йўл қўйилган бўлса, МСК Сенат аъзоларининг сайловини ҳақиқий эмас деб топиши мумкин (*85-модда*).

### VIII. МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИГА ОИД ВАКОЛАТЛАРИ



МСКнигт Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиснинг Конституцияларси ва Сенати  
сайловини тузасинига оид ваколатлари:



Қоракалпогистон Республикаси Жўтброт Кенгесига, жазалтий Кенгашларга сайлов югулдири эълоэ вилғаниндан (жамият ёшлилганидан) кейин учунчи жуддатда Сенат аъзоларига сайлаш учун кўшия маънисларга ўтказилишини (куми маъжистарига ўтказиб санаи, ёакти замонга жойи кўрсатилган варори оммавий изборот воситаларда, шунингдеги уйнот расмий ёб-сайлидига ўзин катанла (хаммага маътум катанла)) эълоэ килади (*78-модда*).

Кўшия маънислариги блэнномаларе асосида бу бажниматир келб тушга кундан эътибораг бех хўшлан бечитирмай Сенат аъзоларини рўйхатга олади, рўйхатга олишдан кейин ўе кут ичиде эса гувоҳнома ва гўргаг лишони беради (*85-модда*);


Агар сайлове тазомина, овозларни сеъаб тозлиши, эшириб овоз бериси ташвишларига микаш чоғади Сайлов кодекси талаблари сеъаб ташвишларига таъсир ҳатти гареде бу читининг йўл қўйилган бўлса, МСК Сенат аъзоларининг сайловини ҳақиқий эмас деб топиши мунини (*85-модда*).



дир:

✓ сиёсий партияларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органдарининг кузатувчилари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари учун мандат намунасини белгилайди (**33-модда биринчи қисм**);

✓ тақдим этилган ҳужжатлар асосида сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қиласиди (**64-модда бешинчи – ўнинчи қисмлар, 72-модда**);



тиклиганди имзо варақаларини Марказий сайлов комиссиясига топширади (**38-модда**);

✓ Сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини беш кунлик муддатда текширади (**39-модда биринчи қисм**);

МСК Сайлов кодексида сайловларни ўтказиш жараённида сиёсий партиялар билан бевосита мулоқотни амалга оширган ҳолда, уларнинг сайлов жараёнларини кузатишида муаяян ваколатлари ҳам белгилаб қўйилган. Ушбу ваколатлар қўйидагилар-

## **Эътибор беринг!**

Агар Марказий сайлов комиссияси томонидан танлааб олинган имзо варақаларининг чорак қисмидан кўпрогини текшириш натижасида имзо варақалари қонун бузилган ҳолда тузилганлиги аниқланса, мазкур имзо варақалари сиёсий партияниг ваколатли вакилига қайтарилади ва унга камчиликларни бартараф этиш учун икки кунлик муддат берилади. Агар кўллаб-куватловчи шахсларнинг (сайловчиларнинг) имзолари сони белгиланган энг кам миқдордан яна оз бўлиб чиқса, мазкур имзо варақалари тўлиғича ҳақиқий эмас деб топилади. Мазкур ҳолда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияга сайловда иштирок этиш хуқуқини рад этади (39-модда иккинчи қисм)



✓ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш мақсадида тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилиб олинган сана ва вакт кўрсатилган ҳолда маълумотнома беради ва ушбу ҳужжатларни беш кунлик муддатда Сайлов кодекси талабларига мувофиқлигини текшириб хулоса беради (*64-модда*);

✓ Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номмуофиқликлар ва Сайлов кодекси талабларидан четта чиқиши ҳоллари тўгрисида тегишли сиёсий партияларнинг раҳбарларига маълум қиласи;

✓ Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати туталланишига етти кун қолганида якунлайди (*64-модда*);

✓ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш мақсадида тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилиб олинган сана ва вакт кўр-сатилган ҳолда



маълумотнома беради ва ушбу ҳужжатларни беш кунлик муддатда **Сайлов** кодекси талаблариiga мувофиқлигини текши-риб хулоса беради (**72-модда**);

✓ Сиёсий партиялардан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугалланишига **етти кун** қолганида якунлади (**72-модда**);

✓ МСК Конунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган ному-вофиқликлар ва Сайлов кодекси талабларидан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида тегишли сиёсий партияларнинг раҳбарлариiga маълум қиласди (**72-модда**).

## **IX. МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ ВАКОЛАТЛАРИ**

Марказий сайлов комиссиясининг ташкилий-хуқуқий ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг **Сайлов** кодекси, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Регламентида белгилаб қўйилган.

**МСКнинг қуи сайлов органларини шакллантиришга оид ваколатлари:**

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов округлари Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади (**9-моддаси**);



✓ Конунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича сайлов округлари Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенге-сининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаш-ларининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади (**9-модда**);

✓ Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тузиладиган участкаларни округга бириктириш тўғрисидаги масалани ҳал этади (*10-модда*);

✓ Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади (*10-моддаси*);

## Бунда:

The screenshot shows the 'Okrug Salyov Komissiyalari' website interface. At the top, there are three sections: 'Қызметчилар Палатаси депутатлари саловини ўтилган округ сайлов комиссиясини тузиш' (Initiation of a complaint by the Chamber of Deputies), 'Халк депутатлари Виасит кенгашига сайлов ўтилган учун скрет сайлов комиссиясини тузиш' (Initiation of a complaint to the People's Deputies' Council by the People's Deputies' Council), and 'Халк депутатлар туман, шаҳар кенгашига сайлов ўтилган учун скрет сайлов комиссиясини тузиш' (Initiation of a complaint to the district, city People's Deputies' Council by the People's Deputies' Council). Below these are two columns of text: 'Қорқалпогистон Республикаси Жукори Кинес, Ҳақ депутатлари вилоятлар яшаш юридик юнитлари' and 'Халк депутатлари туман яшаш шаҳар кенгашлари'. In the center, it says 'ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ' (Initiation of an appeal). To the right, there is a large graphic for '70 йилдан олди' (70 years ago) with the number '9-11' and the text 'Саломатлик инвалидларга оғизларни тузади' (Disabled veterans are protected).

І. ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ

Қызметчилар Палатаси депутатлари саловини ўтилган округ сайлов комиссиясини тузиш

Халк депутатлари Виасит кенгашига сайлов ўтилган учун скрет сайлов комиссиясини тузиш

Халк депутатлар туман, шаҳар кенгашига сайлов ўтилган учун скрет сайлов комиссиясини тузиш

Қорқалпогистон Республикаси Жукори Кинес, Ҳақ депутатлари вилоятлар яшаш юридик юнитлари

Халк депутатлари туман яшаш шаҳар кенгашлари

Фусайрларнинг узини ўз башкарнивчи органдари

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛТИГИ НОМЗОДЛАРНИ ТАСВИЯ КИЛАДИ

Марказий салов комиссияси

Виасит сайлов комиссияси

Туман шаҳар салов комиссияси

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИНИ ТАСДИКЛАДИ

ІІ. УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ

50 сунъиятни

1. Қорқалпогистон Республикаси Жукори Кинес, Ҳақ депутатлари вилоятлар яшаш юридик юнитлари

2. Ҳалк депутатлари туман яшаш шаҳар кенгашлари

3. Фусайрларнинг узини ўз башкарнивчи органдари

ЧАСТАКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ

5 кунлик муддатда

40 сунъиятни

5-19 саломатлик инвалидларига оғизларни тузади

✓ Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тузиладиган участкаларни округга бириктириш тўғрисидаги масалани ҳал этади (*10-модда*);

✓ Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади (*10-моддаси*);



## Бунда:

❖ Агар мажлисда комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, мажлис ваколатли ҳисобланади.

❖ **МСКнинг қарорлари** очик овоз бериш орқали, комиссия аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тент бўлиб қолган тақдирда, Марказий сайлов комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.



❖ МСКнинг аъзолари алоҳида фикр билдиришга ҳақли бўлиб, бу фикр ёзма шаклда баённомага илова қилинади.

❖ МСК ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қиласи, қарор-лар

Марказий сайлов комиссиясининг раиси томонидан имзоланади.

❖ МСКнинг қарорлари қабул қилинган пайтдан эътиборан кучга киради ва **МСКнинг расмий веб-сайтида** ўша куннинг ўзида, шунингдек зарур бўлган ҳолларда, бошқа манбаларда эълон қилиниши лозим.

### Эътибор беринг!

Марказий сайлов комиссияси ишининг ташкилий шакли унинг мажлислари бўлиб, улар заруратга қараб ўтказилади (*16-модда*).

## МУНДАРИЖА

|                                                                                                                                  |           |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>КИРИШ .....</b>                                                                                                               | <b>3</b>  |
| <b>I. Марказий сайлов комиссиясининг<br/>шаклланиши тарихи .....</b>                                                             | <b>5</b>  |
| <b>II. Марказий сайлов комиссияси<br/>қандай тузилади .....</b>                                                                  | <b>6</b>  |
| <b>III. Марказий сайлов комиссиясининг<br/>хукукий мақоми .....</b>                                                              | <b>7</b>  |
| <b>IV. Марказий сайлов комиссиясига аъзолик қандай амалга<br/>оширилади .....</b>                                                | <b>12</b> |
| <b>V. Марказий сайлов комиссиясининг<br/>умумий ваколатлари .....</b>                                                            | <b>13</b> |
| <b>VI. Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон<br/>Республикаси Президентлигига<br/>сайлов ўтказишга оид ваколатлари .....</b> | <b>16</b> |
| <b>VII. Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон<br/>Республикаси Олий Мажлиснга сайлов ўтказишга<br/>оид ваколатлари .....</b> | <b>17</b> |
| <b>VIII. Марказий сайлов комиссиясининг сиёсий партиялар<br/>фаолиятига оид ваколатлари .....</b>                                | <b>18</b> |
| <b>IX. Марказий сайлов комиссиясининг ташкилий-хукукий<br/>ваколатлари .....</b>                                                 | <b>19</b> |
| <b>X. Марказий сайлов комиссиясининг ташкилий-хукукий<br/>ваколатлари .....</b>                                                  | <b>22</b> |

**Ш.Ю. Жураев**

**МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ  
МАҚОМИ**

**(оммабон рисола)**

*Масъул мұхаррір: Х. Салоева*

*Мұхаррір: Ш. Жақонов*

*Техник мұхаррір: У. Санаев*

*Компьютерда сақиғаловчы: Д. Ражапов*

Босишига рухсат этилди: 27.03.2021.

Хажми: 2 б.т. Адади: 40. Буюртма: № 9. Тошкент давлат юридик  
университети Типография бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй.

## **ИЛМИЙ-ОММАБОП РИСОЛАЛАР МАХСУС СЕРИЯСИ:**

- 1) Президент сайловининг ўзига хос хусусиятлари;**
- 2) Президентликка номзодларнинг ҳуқуқий мақоми;**
- 3) Президент сайловида сиёсий партияларнинг иштироки;**
- 4) Сайловолди ташвиқоти;**
- 5) Сайловда овоз бериш тартиби;**
- 6) Сайловларда очиқлик ва ошкоралик;**
- 7) Сайловчиларнинг рўйхатини тузиш тартиби;**
- 8) Сайлов ҳуқуқларига оид шикоятларни кўриб чиқиш;**
- 9) Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик;**
- 10) Халқаро сайлов стандартлари;**
- 11) Кузатувчиларнинг ҳуқуқий мақоми;**
- 12) Марказий сайлов комиссиясининг мақоми;**
- 13) Округ сайлов комиссияларининг мақоми;**
- 14) Участка сайлов комиссияларининг мақоми.**

**ИЛОВАНИ ЮКЛАБ ОЛИШ:**

